



IF = 9.2

**JUSTIFICATION OF THE COMPOSITION OF ANTI-HYPOXANT COLLECTION****Yunusova Kh.M.****Chuliyeva Sh.R.****Ilkhamova N.B.****Anvarova M.J.**

Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent, Republic of Uzbekistan

*e-mail: cholliyeva0608@mail.ru<https://doi.org/10.5281/zenodo.20227808>**ARTICLE INFO**Received: 08th May 2026Accepted: 14th May 2026Online: 15th May 2026**KEYWORDS***Antihypoxant, medicinal plants, collection, phytotea, biologically active supplement***ABSTRACT**

*This article presents the results of theoretical and experimental studies on the selection of the composition of a collection (herbal tea) from local medicinal plants with an anti-hypoxic effect. Based on the data obtained, a collection composition was selected, which includes ginger root (*Zingiber Officinale* Rose), hawthorn fruits (*Crataeguss anguinea* Pall) and rosehip fruits (*Rosae fructus*) in the ratio of 1:1:2, respectively.*

**ОБОСНОВАНИЕ СОСТАВА СБОРА АНТИГИПОКСАНТНОГО
ДЕЙСТВИЯ****Юнусова Х.М.****Чулиева Ш.Р.****Илхамова Н.Б.****Анварова М.Ж.**

Ташкентский фармацевтический институт, Ташкент, Республика Узбекистан

*e-mail: cholliyeva0608@mail.ru<https://doi.org/10.5281/zenodo.20227808>**ARTICLE INFO**Received: 08th May 2026Accepted: 14th May 2026Online: 15th May 2026**KEYWORDS***Антигипоксанти, лекарственные растения, сбор, фиточай, биологически активная добавка.***ABSTRACT**

*В данной статье представлены результаты теоретических и экспериментальных исследований по подбору состава сбора (фиточая) из местных лекарственных растений, обладающих антигипоксантным действием. На основе полученных данных была выбрана композиция сбора, включающая корень имбиря (*Zingiber Officinale* Rose), плоды боярышника (*Crataeguss anguinea* Pall) и плоды шиповника (*Rosae fructus*) в соотношении 1:1:2 соответственно.*

**АНТИГИПОКСАНТ ТАЪСИРИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИФМА ТАРКИБИНИ
АСОСЛАШ****Юнусова Х.М.****Чулиева Ш.Р.****Илхамова Н.Б.****Анварова М.Ж.**



IF = 9.2

EURASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES

Innovative Academy Research Support Center

www.in-academy.uz/index.php/ejmns

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент, Ўзбекистон Республикаси

*e-mail: cholliyeva0608@mail.ru<https://doi.org/10.5281/zenodo.20227808>

ARTICLE INFO

Received: 08th May 2026Accepted: 14th May 2026Online: 15th May 2026

KEYWORDS

Антигипоксанти,
доривор ўсимликлар,
йиғма, фиточой,
биологик фаол қўшимча.

ABSTRACT

Ушбу мақолада антигипоксанти таъсирга эга бўлган маҳаллий доривор ўсимликлардан фиточой таркибини танлаш борасидаги назарий ҳамда эксперименталь тадқиқотлар натижалари ҳақидаги маълумотлар келтирилди. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги доривор ўсимликлар Занжабил илдизи - *Zingiber Officinale* Rose (Ginger), Дўлана мевалари - *Crataegus anguinea* Pall ва Наъматак мевалари - *Rosae fructus* мос равишда - 1:1:2 нисбий қўрсаткичлардаги композицияон йиғма таркиби танлаб олинди.

Долзарблиги. Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда доривор ўсимликлардан тайёрланган дори препаратлари ва биологик фаол қўшимчаларга қизиқиш ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертларининг фикрича, яқин 10 йил ичида фитопрепаратларнинг фармацевтика маҳсулотларини истеъмол қилиш умумий ҳажмидаги улуши 60% ва ундан юқорига етиши мумкин. Шу сабабли, Республикамизнинг бой флорасидан фойдаланиб тайёр дори турлари ассортиментини янада ошириш долзарб масала ҳисобланади. Бу муаммоларнинг ечими доривор ўсимликларнинг терапевтик салоҳиятини максимал даражада очиб бериш ва улар асосида оригинал, юқори самарали ва хавфсиз дори препаратларини ишлаб чиқиш ҳисобланади [1- 6].

Ўз навбатида касалларни даволашда фитотерапиянинг ўрни катта бўлиб, улар профилактика ҳамда даволаш мақсадида асосий

даволаовчи препаратлар билан комплекс ҳолатда кенг қўлланилади. Аммо шуни ҳам унутмаслик лозим, бир доривор ўсимлик қўлланилишидан кўра бир неча доривор ўсимлик композициясидан фойдаланиш кўпроқ таъсирга эгаллиги олимлар томонидан исботланган [3, 6].

Йиғма кўринишидаги препаратлар бир томондан қулайлик туғдирса, иккинчи томондан ижобий натижалар олишни таъминлайди [4-5].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, доривор ўсимликлар композицияси асосида дори препаратлари яратиш тиббиёт амалиёти ҳамда фармациянинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу ишнинг мақсади қилиб, антигипоксанти таъсирга эга биологик фаол қўшимча - кўп компонентли йиғманинг таркибини танлашнинг назарий ҳамда экспериментал



усуллари билан асослаш деб белгиланди.

Материаллар ва усуллар.

Тадқиқот учун занжабил илдизи, дўлана ҳамда наъматак мевалари олинди. Танлаб олинган объектлар асосида тавсия этилаётган йиғма таркибий нисбатларини назарий ва экспериментал усулларда илмий асослаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотларимиз давомида олдимизга қўйилган вазифани адабиётлар, меъёрий техник ҳужжатлар, интернет маълумотлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Фаракоеясида келтирилган усулларда амалга оширдик.

Тадқиқот натижалари.

Антигипоксанти таъсирга эга тавсия этилаётган йиғма

ушбу доривор ўсимликларнинг этиологияси ҳамда ҳалқ табобатида ҳамда тиббиёт амалиётида қўлланилиши асосида ўрганилиб танланди [1,2,7].

Танлаб олинган доривор ўсимликларнинг фармакологик таъсири ҳамда кимёвий таркибини назарий ўрганиш натижалари умумий кўринишда 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Тавсия этилаётган антигипоксанти таъсирга эга йиғма таркибий компонентларининг тавсифи (назарий таҳлил)

Доривор ўсимликлар	Фармакологик таъсири		Биологик фаол моддалари	
	Асосий	Қўшимча	Асосий	Ёнаки
Занжабил илдизи - <i>Zingiber Officinale Rose (Ginger)</i>	Яллиғланишга қарши, бактерицид, антисептик, антибактериал, терлаш, балғам кўчириш, қуқувватлантирувчи, спазмолитик, кардиотоник	Асаб ва юрак-қон томир тизимларини барқарорлаштиришда, оғриқ қолдирувчи, антиспазмолитик ва карминатив таъсирга эга. саратонга қарши восита	Гингерол	Занжабил илдизи аминокислоталар, углеводлар, ёғлар эфир мойлари, целлюлоза, В-гуруҳ витаминлари, аскорбин кислотаси, токоферол, калий, фосфор, магний, темир, кальций, рух ва шу каби бошқа микро ва макроэлементлар мавжуд.



Дўлана мевалари- <i>Crataeguss anguinea Pall</i>	Дўлана мевалари антиоксидант, кардиопротек-тор, асосан асаб, юрак қон томир ҳамда ошқозон ичак касллик-ларида қўлла-нилади.	Дўлана мевалари кардиотоник, спазмолитик, седатив, гипотензив, метеоризм олдини олув-чи хусусият-ларга эга.	Флавоноидлар йиғиндиси	Таннинлар, органик кислоталар, В гуруҳ витаминлари, витамин С ва микроэлементлар сақлайди
Наъма-так мевалари- <i>Rosae fructus</i>	С ва Р гиповитаминозларни олдини олиш ва даволашда қўлланилади.	Нефрит, гепа-тит, меъда яраси, яллиғланиш касалликлари, кўз касалликлари, бронхиал астмада ишлатилади.		С, Р, К, Е, В гуруҳ витаминлари, каротин, қанд, органик кислоталар ва ошловчи моддалар сақлайди.

Юқорида келтирилган доривор ўсимлик хом ашёларидан антигипокасант таъсирга эга йиғма композициясини танлашда биофаол моддаларнинг йиғмадан ажралиши тезлиги ва миқдори ўрганилди. Бунинг учун учта ўсимлик асосидаги турли нисбатдаги 5 та композицияси тайёрлаш билан тадқиқотлар бошланди.

1-жадвалда тадқиқот учун тайёрланган 5 та композиция келтирилди.

1-жадвал
Доривор ўсимлик хом ашёларидан антигипокасант таъсирга эга йиғма композициясини танлашда турли миқдорларда тайёрланган композициялар

Таркибий компонентлар	А	В	С	Д	Е
Занжабил илдизи - <i>Zingiber Officinale Rose (Ginger)</i>	10	20	30	25	40
Дўлана мевалари- <i>Crataeguss anguinea Pall</i>	40	20	30	25	30



Наъматак мевалари- <i>Rosae fructus</i>	50	60	40	50	30
Умумий масса	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Изоҳ: А, В, С, D ва E доривор ўсимликлар композицияси

Тавсия этилаётган антигипоксанти таъсирга эга йиғма (шартли номда «Занжана») компонентларининг нисбий миқдори йиғма таркибидаги максимал флавоноидлар йиғиндиси ҳамда аскорбин кислотаси ва суюқ муҳитга ажралиб чиққан экстрактив моддалари билан баҳоланди.

Эксперименталь тадқиқотлар учун ўрганилаётган композициялардан 70% этил спирти билан 3:50 нисбатда мацерация усулида бир суткага қолдирилиб ажратма олинди.

Ажратма филтрланиб сузилди ва тозаланди ва бу ажратма асосида кейинги тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотларда йиғма таркиби даги асосий биофаол моддалар-флавоноидлар йиғиндиси ҳамда аскорбин кислотаси миқдори аниқланди.

Олинган миқдор кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилди.

Олинган тадқиқот натижаларидан D композициядаги доривор ўсимликлар композицияси энг

ижобий натижаларни кўрсатгани кузатилди. Бу кўрсаткичларда йиғма таркибидаги асосий биофаол моддалар миқдори флавоноидлар йиғиндиси гиперозидга нисбатан $1,5 \pm 0,03\%$, гингерол миқдори $0,0121 \pm 0,002\%$, флавоноидлар йиғиндиси рутинга нисбатан $0,410 \pm 0,19\%$ ҳамда аскорбин кислотасининг миқдори $0,195 \pm 0,07$ кўрсаткичларига тенглигини кўрсатди. Бу ўз навбатида антигипоксанти таъсирга эга биофаол моддалар миқдори ижобий эканлигини ва флавоноидлар аскорбин кислотасини оксидланиш жараёнини ҳимоя қилишини эътиборга олган ҳолда бир бирини қўллаб қувватлашини ва кучини ортиришини кўрсатади. Шунингдек, йиғма таркибида бошқа экстрактив моддалар комплекси борлигини кўрсатди.

2-жадвал

Ажратма таркибидаги биофаол моддаларнинг миқдорий кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Йиғма композицияси	Флавоноидлар йиғиндиси, гиперозидга нисбатан %	Гингерол, %	Аскорбин кислотаси, %	Флавоноидлар йиғиндиси, рутинга нисбатан %
A	$1,2 \pm 0,12$	$0,0110 \pm 0,001$	$0,091 \pm 0,11$	$0,352 \pm 0,15$
B	$1,2 \pm 0,13$	$0,0091 \pm 0,004$	$0,072 \pm 0,08$	$0,337 \pm 0,22$
C	$1,3 \pm 0,12$	$0,0110 \pm 0,003$	$0,195 \pm 0,05$	$0,376 \pm 0,21$



D	1,5±0,03	0,0121±0,002	0,195±0,07	0,410±0,19
E	1,2±0,25	0,0093±0,024	0,210±0,01	0,339±0,27

Эксперименталь тадқиқот
натижалари D композициянинг
тажрибаларда олинган
кўрсаткичлари нисбатан биофаол
моддаларнинг кўпроқ ажралиб
чиқганлигини кўрсатди.

Юқорида келтирилган
маълумотлардан келиб чиқиб
кейинги тадқиқотлар учун доривор
ўсимликлардан ташкил топган D
композиция танлаб олинди.

Хулоса. Назарий ҳамда
эксперименталь тадқиқотлар асосида
3 та доривор ўсимликлардан ташкил
топган D композиция танлаб олинди.
Ушбу композиция қуйидаги нисбий
кўрсаткичларни ташкил этди:
Занжабил илдизи - *Zingiber Officinale*
Rose (Ginger), *Дўлана мевалару-*
Crataeguss anguinea Pall ва *Наҳматак*
мевалару-Rosae fructus мос равишда -
1:1:2.

References:

1. Юнусова Х.М., Турдиева З.В., Илхамова Н.Б. Скрининговые изучение рекомендуемого сбора седативного действия // Farmatsiya. -2024.-№5.-С.95-99
2. Турдиева З.В., Юнусова Х.М. Разработка технологии получения настойки с седативным эффектом //Химия растительного сырья.-2024.- №4.-Р.260-267
3. Yunusova Kh.M., Turdieva Z.V., Ilkhamova N.B. Development and standart of «Sedex» dry extraction technology // Jundishapur Journal of Microbiology.-2022.- Vol.15.-Р.7962-7969
4. Yunusova X.M., Turdieva Z.V., Ilkhamova N.B. Development of modern technology
5. for obtaining tinctures with sedative effect //Cardiometry.-2022.- Issue-21-Р.90-94
6. Юнусова. Х.М., Исмаилова Ф.Б. Исследование технологических параметров сбора «Антиоксим» //Фармация ва фармакология.-2025.№1. 25,32
7. Ismailova F.B., Yunusova H.M., Prospects for the application of dry extract in the technology of phytopreductions. // «Современные вызовы и стратегия развития медицинской науки и здравоохранения» Материали республиканской научно-практической конференции. -Таджикистан. -2023 г. -С.321-322.
8. Кашченко Н.И., Оленников Д.Н. Спектрофотометрический анализ фенольных соединений календулы лекарственной (*Calendula officinalis* L.). Ревизионное исследование существующих методов // Бутлеровские сообщения. – 2014. – Т.37, №.1. – С. 146-155. [Kashchenko N.I., Olennikov D.N. Butlerovskie soobshcheniya. Butlerov messages.– 2014. – V. 37, N 1. – P. 146-155.